09.00 14.30, 16.20 Мировые хиты  
09.30 "Кинокурьер"  
11.00 "Капитан Алатристе" Х/ф.  
14.00 "Премьера" (Ўзб.)  
15.00 Телениня  
17.00 "Спецпортрак"  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.30 "Ало-Марказ"  
19.15 Концерт  
21.00 "Навбат" Рашид Холиқов билан  
22.00 Хит киноси "КАЛЛОБ"

## Якшанба

07.00, 10.50, 14.00, 16.20, 17.00, 18.10, 19.30, 20.30 Ўзбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 Концерт  
10.00 "Сунмас озулар"  
11.00 Хит киноси "Қаллоб"  
13.30, 19.00, 21.45 Мировые хиты  
15.00 Телениня  
16.30 "Премьера" (рус)  
17.30 "Юлдузи пайшанба"  
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)  
20.00 "Ало-Марказ"  
21.00 "Топ-20"  
22.00 "ПРОКЛЯТИЕ ЗОЛОТОГО ЦВЕТКА" Х/ф.  
00.20 Миксер

## RTR SPORT

## Душанба

05.35 Хоккей. ЧМ.  
08.00, 10.20, 14.50, 18.00, 21.55, 02.15 "Вести-спорт".  
10.40 Футбол. Чемп. Англии. "Челси" - "Эвертон".  
10.50 "Вести-спорт. Местное время".  
10.40 Хоккей. ЧМ.  
13.00 Гангбол. Лига чемп. Женщины. Финал. "Лаз" - "Саягасе".  
14.55 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА - "Спартак" (Москва).  
16.55 "Футбол Россия".  
18.10 Агоспорт. ЧМ по ралли. "Ралии Сардиния". Пролог.  
18.45 Баскетбол. Евролига. Мужчины. "Финна 4х". 1/2 финала. ЦСКА - "Уникала".  
20.40 Футбол. Кубок УЕФА. "Дорога к финалу".  
22.05 "Футбол Россия".  
23.15 "Нездла спорта".  
00.20 Биларда. Гран-При городов Европы. Кубок Одессы. 1/4 финала. ЦСКА - "Рыбалка с Радзисковским".  
02.40 Футбол. Лига чемп. Женщины. Финал. "Лаз" - "Саягасе".

## Сешанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Томь" - "Динамо".  
08.00, 10.20, 14.10, 18.10, 22.05, 01.20 "Вести-спорт".  
08.10 "Футбол Россия".  
09.15 "Нездла спорта".  
10.35 Хоккей. ЧМ.  
12.55 Футбол. Кубок УЕФА. "Дорога к финалу".  
14.15 "Нездла спорта".  
13.20 Хоккей. ЧМ.  
17.35 Скоростной усток.  
18.20 Баскетбол. Евролига. Мужчины. "Финна 4х". Финал. ЦСКА - "Питантинго".

21.51 Футбол. Кубок УЕФА. "Дорога к финалу".  
22.15 Футбол. Обзор матчей. Чемп. Англии.  
23.25 Биларда. Гран-При городов Европы. Кубок Одессы. 1/4 финала.  
01.25 Скоростной усток.  
02.00 Футбол. Чемп. Англии. "Челси" - "Эвертон".

## Чоршанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Химки" - "Сатурн".  
08.00, 09.55, 14.30, 17.30, 21.45, 02.40 "Вести-спорт".  
08.10 Скоростной усток.  
08.45 Футбол. Обзор матчей. Чемп. Англии.  
10.05 Хоккей. ЧМ.  
12.25 "Рыбалка с Радзисковским".  
12.40 Футбол. Кубок УЕФА. "Дорога к финалу".  
13.55 Агоспорт. ЧМ по ралли. "Ралии Сардиния". Пролог.  
14.40 Хоккей. ЧМ.  
17.00 "Путь Дракона".  
17.40 Современное пятиборье. Кубок мира.  
18.50 Футбол. Обзор матчей. Чемп. Англии.  
19.55 Баскетбол. Чемп. России. Мужчины. 1/2 финала.  
23.30 Футбол. Кубок УЕФА. Финал. "Экспозит" - "Севилья".  
02.00 Футбол. Обзор Кубка УЕФА.

## Пайшанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Кубинь" - "Зенит".  
08.00, 10.00, 14.30, 17.30, 21.45, 01.25 "Вести-спорт".  
08.10 "Путь Дракона".  
08.45 "Лепетис спорта". Футбол. Кубок

дла "Динамо".  
09.20 Футбол. Обзор Кубка УЕФА.  
10.10 Хоккей. ЧМ.  
12.30 Баскетбол. Чемп. России. Мужчины. 1/2 финала.  
14.35 Хоккей. ЧМ.  
16.55, 01.30 "Точка отрыва".  
17.45 Футбол. Кубок УЕФА. Финал. "Экспозит" - "Севилья".  
19.50, 21.55 Баскетбол. Чемп. России. Мужчины. 1/2 финала.  
23.55 Биларда. Кубок Одессы. 1/2 финала.  
02.05 Футбол. Лига чемп. Мужчины. Финал. "ТХВ-Каль" - "Фленсбург".

## Жума

05.55 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА - "Спартак" (Москва).  
08.00, 10.00, 14.30, 18.55, 21.50, 01.40 "Вести-спорт".  
08.10 "Точка отрыва".  
08.40 "Сборная России". Ю. Кулинов. 09.25, 22.40 "Самый сильный человек".  
10.10 Хоккей. ЧМ.  
12.30, 16.55 Баскетбол. Чемп. России. Мужчины. 1/2 финала.  
14.35 Хоккей. ЧМ. Финал.  
19.10 "Футбол Россия. Переа туром".  
19.40 "Рыбалка с Радзисковским".  
19.55, 21.50 Биларда. Кубок Одессы.  
22.00 "Вести-спорт. Местное время".  
22.05 Футбол. Журнал Лига чемпионов.  
23.15 "Футбол Россия. Переа туром".  
01.45 Дзюдо. Суперкубок мира.

## Шанба

06.10 Гангбол. Лига чемп. Мужчины. Финал. "ТХВ-Каль" - "Фленсбург".  
07.55, 09.50, 14.10, 18.40, 21.40, 01.25 "Вести-спорт".

08.05 Современное пятиборье. Кубок мира.  
09.15 Агоспорт. ЧМ по ралли. "Ралии Сардиния". Пролог.  
10.00 "Вести-спорт. Местное время".  
10.05 "Лепетис спорта".  
10.40 Бокс. Чемп. России. Финалы.  
11.35 "Футбол Россия. Переа туром".  
14.15 Футбол. Кубок УЕФА. Финал. "Экспозит" - "Севилья".  
16.25, 01.25 В Торжественная церемония вручения Нан. спортивной премии "Сала".  
18.35 Футбол. Премьер-лига. "Сатурн" - "Спартак" (Наль).  
21.00, 00.55 Худ гимнастика. Межа туринг.  
21.45 "Вести-спорт. Местное время".  
22.05 Футбол. Премьер-лига. "Ростов" - "Химки".

## Якшанба

06.00, 18.55, 20.45, 02.25 Баскетбол. Чемп. России. Мужчины. 1/2 финал.  
08.00, 10.00, 13.45, 16.40, 22.45, 02.15 "Вести-спорт".  
08.10 Спортивная гимнастика. ЧЕ. 09.40 "Бити миллион".  
10.10 "Вести-спорт. Местное время".  
10.15 "Страна спортсменов".  
10.40, 13.55, 00.55 Худ гимнастика. Межа туринг.  
12.35 "Сборная России". Шамил Тарпищев.  
13.10 "Самый сильный человек".  
16.35 Футбол. Премьер-лига. "Амкар" - ЦСКА.  
23.00 "Вести-спорт. Местное время".  
23.05 Гангбол. Лига чемп. Женщины. Финал. "Саягасе" (Динли) - "Лаз" (Ревва).





## Ҳамкорлик

«Билайн» савдо белгиси остида уяли алоқа хизмати кўрсатувчи «Unitel» МЧЖ Урганч шаҳрида ўзининг янги офисини очди.

— Дўстлик алоқаси ва иқтисодий ҳамкорлик қадимдан халқларимизни бирлаштириб келган, — дейди «Unitel» МЧЖ бош директори биринчи ўринбосари Андрей Смелков. — Россия компаниялари ўзбек ҳамкорлари билан алоқаларини тобора кенгайтирмоқдалар, чунки бу ерда бизнесни юритиш учун қулай шароит яратилган.

Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Усмоножон Жумагалдиев илқ сўзлар учун меҳмонларга миннатдорчилик билдираркан, Ўзбекис-

тонга сармоя киритиш ва бизнесни юритиш учун кенг йўл очилганлигини, вилоятда халқ фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган замонавий технологиялар янада кўпроқ ҳаётга татбиқ этилаётганлигини айтди.

«Unitel» компанияси «Дамас» русумли «Тез ёрдам» автомашинасини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига совға қилди. Вилоят электралоқа корхонасининг собиқ бош муҳандиси, 40 йилдан зиёд умрини шу касбга бағишлаган табарруқ инсон — Оллаберган Матниёзов «Билайн»нинг Урганч шаҳридаги фахрли абоненти деб танланди. Компания унга замонавий мобил телефон совға қилди ва уяли алоқа хизматидан умрбод фойдаланиш имкониятини тақдим этди.

**Фарход МУҲАММАДИЕВ**  
Суратларда: 1. (чапдан) «Unitel» компанияси бош директори ўринбосари Содиқ СОҲИБЖОНОВ, бош директорнинг биринчи ўринбосари Андрей СМЕЛКОВ ва компаниянинг Урганч бўлими директори Шухрат САЪДУЛЛАЕВ. 2. Оператор Наргиза ҒЎҚУБОВА.



## ЎЗБЕКISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI JAMOASI

Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган барча инсонларни алоқачилар байрами билан қизғин табриклайди.

Хонадонингиздан ҳеч қачон хурсандчилик ва файзу барака аримасин.

Неки эзгу тилакларингиз бўлса барчаси амалга ошин!

### АКТ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ САНАЛАРИ


- 1983 йил — Нью-Йоркда Microsoft Windows тизимини тақдим этди.
- 1984 йил — Apple Macintoshнинг янги компютери тақдим этилган. Бу компютерда дунёда биринчи марта график амалиёт тизими ўрнатилган эди.
  - Hewlett Packard компанияси ўзининг биринчи пурковчи ва лазерли принтерларини яратган.
  - PHILIPS компанияси биринчи бўлиб компютерлар учун CD-ROM чиқарган.
- 1985 йил — баландлиги бўйича дунёда тўртинчи ўринда бўлган Тошкент телеминораси фойдаланишга топширилган.

## ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ АК

### «АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Гўзал юртимиз алоқачиларини касб байрамлари билан муборакбод этади.

Эзгу мақсадларингизни амалга оширишда Сизларга куч-қувват ва омад тилаймиз.



Мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

## ORAMIZDAGI ODAMLAR

### Бизнинг Римма опа

Римма опа ҳақида мақтовларни кўп эшитгандим: ажойиб инсон, тажрибали электромеханик, ҳар қандай топшириқни тез ва соз бажаради, ростгўй, камтар...

Опа билан суҳбатимиз мароқли кечди, бироқ камтарликлари туфайли саволларимга жавоб ололмадим. Лекин унинг ёшларга зўр муҳаббат билан қараши завқ-шавқимни оширди.

— Газета ўқишни яхши кўраман, лекин... газетада чиқишим шарт эмас, — дейди у. — Яхшиси, шоғирдирим, жуда меҳнаткаш, интилувчан, билмаганини сўрашдан ҳечам тортинмайди. Чарчадим деганини сира эшитмаганман. Қайси бахти кулган қайнонага келин бўларкин, кўз тегмасин, дейман ичимда. Озода Тожибоева, Феруза Фахрутдинова... Ёки Жаҳонгир Хожиев, Сергей Орлов, Юрий Куприянов, Зокир Ганиев, Сергей Рибалкин ва Аҳмаджон Ҳақимовларни олинг. Жон куйдириб, сидқидилдан ишлашади. Мижозлар билан муомалаларига ҳавасингиз келади. Қани ёш бўлсаму, шу азаматлар сингари яйраб-яшнаб ишласам дейман. Бажарган ишлари, ўринли мулоҳазалари, қойил қоламан, олий маълумотли муҳандислардан қолишмайди. Ана шундай йигит-қизлар ҳақида ёзинг, баъзи тепса-тебранмас, на ишни, на гапни қотириб қўя олмайдиганлар ибрат олишин.

Қисқаси, Римма опа номи билан ҳурмат қозongan, аслида Ҳалима ДАНИЛОВА бўлган бу камтар аёл ўзи ҳақида эмас, ўзгалар ҳақида жўшиб-жўшиб ҳикоя қилиб берди.

— Мен устозларим, ҳозирда фахрийлар — Надежда Артюховская ва Ирина Гостеваларнинг "Ўргатиб, демакки, саховат кўрсатиб яшагин", деган ўғитига амал қилиб, кам бўлмаяпман, катта эътибор кўриб келяпман.

Ўргатиб, саховат кўрсатиб яшаш шиори бўлган Фаргона шаҳридаги 26-АТС катта электромеханиги Ҳалима Данилова ҳурмат-эҳтиромга салкам 37 йиллик самарали меҳнатлари туфайли эришган. Меҳр-муҳаббат билан яшашни Ҳалима опа қабиладан ўрганиш керак, аслида.

Ҳафиза САЛҲОВА,  
«Хабар»нинг Фаргона вилоятидаги мухбири



## ALOQA KORXONALARIDA

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида молиявий-хўжалик фаолиятининг 2007 йил биринчи чораги якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

### Сарҳисоб

Мажлисда филиал директори Зоҳид Қосимов ҳамда директорнинг биринчи ўринбосари Ибодулла Матқаримовнинг маърузалари тингланди.

Маърузаларда айтилишича, филиалда жорий йил даромад режаларини бажаришда ўтган йилгига нисбатан ўсиш кузатишган. Хусусан, биринчи чоракда кўрсатилган хизматлардан олинган даромад ўтган йилнинг шу даврига таққосланганда 48,1 фоиз юқори бўлди ёки 241691 минг сўм кўп даромадга эришилди. Ишлаб чиқиш рентабеллиги 11 фоизга ошган, режадагига қўшимча 80,5 миллион сўм фойда олинган.

Даромад ва соф фойда миқдори юқори бўлишида кўрсатилаётган хизматлар бўйича режаларнинг ошириб уддаланилаётганлиги асосий омил бўлмоқда. Хат-хабарлар — 100,3, пул ўтказмалари — 110,2, жўнатмалар (посилкалар) — 154,4 фоиз, обуна — 107,9, чакана савдо — 132,9, турли тушумларни йиғишдан олинаётган даромад режаси — 190,6 фоизга бажарилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Турли тушумларни йиғишдан олинган даромад ўтган йилгига нисбатан 210,7 фоизни ташкил этган ёки 134,1 миллион сўм қўшимча даромадга эришилди.

Маълумки, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ филиаллари тасарруфидаги алоқа бўлимлари жойлашган биноларнинг аксарияти бевосита филиалларнинг ўзига қарашли эмас — улардан асосан ижара асосида фойдаланилади. Жумладан, шу пайтга қадар Тошкент фи-

лиалига тегишли жами 327 алоқа бўлимининг бор-йўғи 88таси ўз биносига эга эди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ таркибдаги филиалларда мавжуд бўлган ижарадаги алоқа бўлимларини балансга олиш мажбурият режасига мувофиқ жорий йил биринчи чорагида 56та алоқа бўлими биноси филиал балансга олинди. Йил охирига қадар қолган алоқа бўлимлари биноларини ҳам тўлиқ филиал тасарруфига олиш кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда филиал ходимларининг меҳнатини энгиллаштириш мақсадида илк чоракда 2та "Дамас" автомобили ва 110та велосипед сотиб олинди.

Ходимларни ижтимоий муҳофаза-лаш ҳам доимий эътибор талаб этадиган масалалардан ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя йили Давлат Дастури доирасидаги тадбирларга филиал томонидан йилнинг дастлабки чорагида 13,2 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, ходимларни маънан ва моддий қўллаб қувватлаш, уларнинг соғлиқларини тиклаш ва спорт билан доимий шуғулланишларига шароит яратиш, корxonанинг нафақадаги собиқ ходимлари ҳолидан хабар олиш, бола парвариши билан шуғулланаётган таътилдаги ходимлар ва ногиронларга ёрдам бериш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Собит АҲАДОВ,  
"Xabar" мухбири


## "O'ZALOQAKONSALTING" MЧЖ ЖАМОАСИ

*Турли юртимиз алоқачиларини*

*касб байрами билан*

*муबारакбод этади.*

**Эзгу мақсадларингизни амалга оширишда Сизларга куч-қувват ва омад тилаймиз.**



**Мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлсин!**

## О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ АК "ҚАШҚАДАРЁ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Барча ҳамкасбларини алоқачилар байрами билан қизғин қутлайди.**

**Сизларга мустаҳкам соғлиқ, омад ва бахт тилаймиз.**

**Жонажон юртимизда доимо тинчлик ҳукм сурсин!**

## "АДОЛАТ КУЧИ" АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

*Республикамизнинг барга алоқачиларини касб байрамлари билан қизғин қутлайди.*

**Соҳа ривожини йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Доимо соғ-омон, бахтли бўлинг.**

**Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**



SO'RANG, JAVOB BERAMIZ...

Суд ҳукмидан кейин...

— Ўғлим Авазбек Абдурахмонов 2006 йил, 19 декабр куни "Дамас" машинасини бошқариб кетаётган йўлни кесиб ўтаётган пйёда Рисолатхон Акбаровани уриб юборган. Уртача оғир шикаст етган аёлни зудлик билан касалхонага олиб борган. Керакли дори-дармонлар билан таъминлаган. Жабранувчи узок қишлоқдан экани, унинг ҳолидан хабар олиш яқинларига осон бўлмаслигини англаб, бутун оила-авзоларимиз билан унинг соғайиб, оёққа туриб кетишига ҳаракат қилдик. Узлуксиз ҳолидан хабар олиб, озиқ-овқату дори-дармондан қийналишига йўл қўймадик. Суд муҳокамаси даврида биздан мамнун бўлган Р.Акарова ариза тақдим қилиб, биздан рози эканини, зарар бартараф қилинганини, ўғлим Авазбек ундан кечирим сўраганини, ярашиб олганликларини таъкидлади. Суд ўғлимни жинойи жавобгарликдан озод қилди ва айблилик масаласини ҳал қилмай туриб ишни ёпди.

Орадан тўрт ой ўтгач, жабранувчи Рисолатхон Акбарова телефон қилиб, ўғлимни қақиртирган ва икки юз минг сўм талаб қилган. Ханузгача агар шу пулни бермасак, яна судга муружаат қилишни айтиб бизни безовта қиляпти. Унинг бундай талаб қўйишига ҳаққи борми?

Гулчеҳра АБДУРАҲМОНОВА,  
Анджон вилояти

Саволга Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳуқуқшунос Мухаммадқодир ОТАХОНОВ жавоб беради:

— Ярашув институтининг жорий этилишида миллий қонунчилигимизнинг инсонпарварлик ва адолатлилиги намойён бўлади. Узаро кечиримли бўлиш, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш рағбатлашга арзийдиган қадрият. Сиз келтирган тафсилотлар мазмунидан кўринадики, жабранувчи кўрсатилган меҳр-оқибат тудфайли ўз инон-ихтиёри билан, таъйиқ ва мажбурловларсиз ярашувга рози бўлиб ариза ёзган. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 66-1 моддаси ҳамда Жиноят процессуал кодексининг 84-модда 4-қисмига асосан жиноят ишлари суди ўғлингиз Авазбек Абдурахмонов ишини айблилик масаласини ҳал қилмай туриб тугатишни лозим топган. Суд мажлиси жараёнида бунинг ҳуқуқий оқибатлари тарафларга тушунтирилган, албатта. Яъни, ярашув қарорига ўз ихтиёрлари билан, турли таъсир ёки таъйиқларсиз, мажбурловсиз келишган. Суднинг ажримида белгиланган шикоят қилиш (ўн кун)лик муддати ўтгач, қонуний кучга киради ва бу ишни қайта кўзгатиш мумкин бўлмайди. Шундай экан, жабранувчининг талаби асоссиз.

АКТ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ САНАЛАРИ

□□ 1992 йил — Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳузурида илмий-тадқиқот маркази ташкил топган.

- Октябр ойидан Ўзбекистон аҳолисини биринчи марта дунёнинг ҳамма мамлакатларига бевосита чиқишини таъминлаган шаҳарлараро ва халқаро йўлдош алоқа станцияси мунтазам ишлатила бошланди.

□□ 1993 йил — Intel Pentium® процессори чиқарилган.

□□ 1995 йил — августда Microsoft Windows 95 сотувини бошлаган.

- Интернет тармоғида излаш машинаси технологияси ишлаб чиқилган.

- Биринчи рақамли видеокамералар тақдим этилган.

□□ 1997 йил — Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига айлантирилган.

- Илмий-тадқиқот маркази Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказига айлантирилган.

□□ 1998 йил — июнда Windows 98 амалиёт тизими чиқарилган.

- Бозорга биринчи рақамли телевизор чиқарилган.

□□ 2001 йил — New York Timesга кўра "Симсиз алоқа" йили.

- Октябрда Windows XP амалиёт тизими тақдим этилган.

□□ 2002 йил — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги 2002 йил 30 майдаги Фармони ва унинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2002 йил 6 июндаги Қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан "2002-2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури" тасдиқланган.

- Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилган.

- Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 421-сон қарорига асосан куйидаги лицензияларнинг амал қилиши 2007 йил 2 майдан 10 кун муддатга тўхтатиб турилади:

- «Сурхон электралоқа махсус таъмирлаш» масъулияти чекланган жамиятининг (Термиз шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001413 рақамли;
- «Ўзал-Тўрткўл» кўп тармоқли фирмасининг (Тўрткўл шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001411 рақамли;
- «ALOQA TEXNOLOGIYASI YANGILIK QO'SHUV» масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001403 рақамли;
- Шаҳрисабз телевидениесининг (Шаҳрисабз шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқ-

- лари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001495 рақамли;
- «Қарши телевидениеси» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг (Қарши шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001577 рақамли;
- «ТТВ Тўрткўл телевидениеси»нинг (Тўрткўл шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001528 рақамли;
- «G'jduton-oynai jahon» кичик корхонасининг (Бўхоро шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001469 рақамли;
- «Автомобилич» хусусий фирмасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001466 рақамли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 421-сон қарорига асосан куйидаги лицензияларнинг амал қилиши 2007 йил 7 майдан 10 кун муддатга тўхтатиб турилади:

- «NAVOIYTELEVEST» масъулияти чекланган жамиятининг (Навой шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000907 рақамли;

- «ИШОНЧ» телерадиокомпаниясининг (Термиз шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001446 рақамли.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!  
Акциядорлик тижорат "Алоқабанк"

Куйидаги янги омонат турларини тақлиф этади:



"Алоқачи"	Омонатга маблағлар 45 кун муддатга қабул қилинади ва унга йиллик 24 фоиз миқдориди даромад тўланади. Фоизлар омонат муддати тугагач берилади.
"Болажон"	Омонатга маблағлар 6 ой муддатга қабул қилинади ва унга йиллик 24 фоиз миқдориди даромад тўланади. Фоизлар ҳар 3 ойда берилади.
"Кони фойда"	Омонатга маблағлар 3 ой муддатга қабул қилинади ва унга йиллик 23 фоиз миқдориди даромад тўланади. Ҳисобланган фоизлар омонат қолдиғига қўшилиб, капиталлаштирилади ва улар омонат муддати тугагач берилади.
"Сармоя"	Омонатга маблағлар 6 ой муддатга 23 фоизлик даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади, фоизлар ҳар ой бошида олдиндан тўлаб берилади.
"Дельта даромад"	Омонатга маблағлар 6 ой муддатга қабул қилинади ва омонат қолдиғига йиллик 21-26 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Шунингдек, банкнинг барча филиалларида мавжуд куйидаги омонат турларидан фойдаланишингиз мумкин:

«МАХСУС»	йиллик 30 фоиз	муддатсиз
«Бахтли болалик»	йиллик 30 фоиз	3 йилдан 17 йилгача
«Қалдирғоч»	йиллик 22 фоиз	3 ой
«Наврўзи олам»	йиллик 19 фоиз	3 ой
«Навниҳол»	йиллик 19 фоиз	5 ой
«Ғазна»	йиллик 18 фоиз	2 ой
«Очил Дастурхон»	йиллик 18 фоиз	3 ой
«Шифокор»	йиллик 18 фоиз	6 ой
«Файзли»	йиллик 17 фоиз	6 ой
«Яхши ният»	йиллик 16 фоиз	6 ой
«Хумо»	йиллик 16 фоиз	12 ой

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Қўшимча маълумотларни 152-78-86, 137-49-36 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган филиалидан олишингиз мумкин.



## 9-MAY — XOTIRA VA QADRLASH KUNI

Фахрийлар деганда кўз оддимизда юрт юкини, ташвишини забардаст елкаларидан толмай кўтариб келган кишилар авлоди намоён бўлади. Бу авлод бутун ёшлигини, куч-қувватини, билим ва иқтидорини мамлакат ривожига бахшида этган фидойилардир.



## Хурмату эъзоздан қалблар қувонди

Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бўлгани каби алоқа ва ахборотлаштириш тизимида ҳам соҳа равнақиға узларининг бор билим ва тажрибаларини сарфлаган, меҳнат ва заҳматда ўтган ҳар йили чеҳрасида нурли из қолдирган, олтин бошини оқартирган, оқ кўнглидаги неки яхшилиги бўлса, ўзидан кейинги авлодга бус-бутун ўтказган меҳнат фахрийлари кўпчиликни ташкил этади. Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни арафасида уларга катта иззат-иқром кўрсатилади, меҳнатлари шарафланади.

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида ушбу қутлуғ кунга бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам шундай бўлди. Уч юз нафарга яқин фахрийлар тўкин дастурхон атрофида дийдор кўришди, дилдан сўхбатлашди, ишларини ўзларидан ҳам мукамалроқ давом эттираётган соҳа ходимлари хурмату эъзозидан мамнун бўлдилар.

Байрам тадбирини филиал касабда уюшмаси кўмитаси раиси Дилшод Усмонов очиб, фахрийларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилади. Шундан сўнг фахрийлар кенгаши раиси Умид Сағатов, филиал директори ўринбосари Шухратжон Каримов, узоқ йиллар мазкур идорада раҳбарлик лавозимида ишлаб,

айни пайтда кексалик гаштини сураётган Соибжон Содиков, Ҳикмат Фуломов, Владимир Будаговлар ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабда уюшмаси кўмитаси марказий кенгаши раиси Тоҳир Назаржонов ўз самимий дил сўзларини изҳор этдилар.

— Фахрийларимиз — бизнинг фахримиз, — дейди филиал директори Амиржон Газиёв. — Айна пайтда 300 нафардан ортиқ фахрийларимиз рўйхатга олинган. Уларнинг ҳар бирига таваллуд кунларида, чорак якунида моддий ёрдам берилади. Байрамларда дастурхон ёзилиб, совғалар топширилади. Бугунги тадбирда ҳам ҳар бир фахрийга 20000 сўмдан пул мукофоти берилди. Фахрийларимиз учун эшигимиз доимо очик. Улар истаган пайтларида келиб, шогирдлари олиб бораётган ишлардан хабардор бўлишлари, ўз билим ва тажрибаларини ўргатишлари мумкин.

Ҳа, қайси мамлакатда кексалар эъзозда бўлса, ўша мамлакат равнақ топаверади. Юртимизда тарихан қисқа муддатда қўлга киритган ютуқларимиз ҳам ана шу эътибор тўғрисида, десак хато бўлмайдик.

Муборак **МИРКАМОЛОВА**,  
«Xabar» муҳбири

## Қадрият

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан “Қашқадарё Телеком” филиалида ҳам “Қадрият кечаси” ташкил этилди.



Тадбирга соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Улар билан учрашув ёш мутахассислар учун таассуротларга бой бўлди. Фахрийлар бой тажрибалари, амалга оширган ишлари тўғрисида гапириб, ҳозирда янги технологияларнинг шиддат билан жорий этилиши соҳадаги муҳим ўзгариш ва муваффақиятлар омили эканлигини таъкидладилар.

Шу кунги уруш ва меҳнат фахрийлари учун филиал маъмурияти ва корхона касабда уюшмаси кўмитаси томонидан Қарши шахрининг тарихий обидалари ва зиёратгоҳлари, янги барпо этилган замонавий иншоотларга саёҳат уюштирилди. Жумладан, улар “Эл-юрт таянчи” монументи пойига гулдасталар кўйдилар, вилоят ўлкани ўрганиш музейи ва Одина масжидидаги “Ўзликни англаш марказида”ги осоритиқалар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Тадбир алоқачилар байрамига улашиб кетди. Йиғилганларни филиал директори Ў.Турдиев муборакбод этиб, фахрийлар доимо эъзоз ва эътиборда эканлигини алоҳида таъкидлади ҳамда уларга қимматбахо эсдалик совғаларини топширди.

Афтондил **ИСМОИЛОВ**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Сурхондарё радиотелевизион узатиш маркази жамоаси бош муҳандиси Мамадани ҚУРБОНОВ, бўлим бошлиғи Тангир НАЗАРОВ ҳамда ҳайдовчи Ботир ҚУРБОНОВларни таваллуд топган кунлари билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақият ҳаммаша ҳамроҳ бўлишини тилайди.

«Андижон Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабда уюшмаси кўмитаси жамоалари Асака телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Махмуд Ниязовни муборак 60 ёши билан чин қалбдан қутлайдилар. Унга узоқ умр, тани соғлиқ ва барча эзгу тилаклари ижобат бўлишини тилайди.



## Фойдали

### Маслаҳатлар

▼ Қирғичингиз ўтмаслашиб қолса, уни кумқоз билан яхшилаб ишқаласангиз кифоя.

▼ Ошхона шкафларидаги тортмалар уй нам бўлганда шишиб, сурилиши қийинлашиб қолади. Шунинг учун намғарчилик пайтда тортмаларнинг ёнига шам бўлгай суртиб қўйилса, енгил суриладиган бўлади.

▼ Нимча ёки палто тугмаларининг орқасига кераксиз чарм қўлқопдан айлана шаклида кесилган бўлақчалар қўшиб текилса, тугмалар матони йиртиб юбормайди.

▼ Кўзунинг хира тортиши кўнглини ҳам хира қилади. Бир чимдим сирка солинган сув ёки чой билан артилса, яна шаффоф ва тиниқ бўлади.

Синглим Зарифа биздан бир бекат нарида туради. Уйга меҳмон қақираётганини айтиб, пешингача етиб боришимни илтимос қилди. Ҳали вақт эрта, пиёда борақолай, оёғимнинг чигали ёзилади деган ўй билан йўлга тушдим.

Озгина юриб автобус бекатига етдим. Бекатда одам кўп. Ёш болалар, қариялар бетоқатлик билан автобус кутиб туришибди. Бекатнинг шундоқ ёнида эса... миллатимизга мансуб йигит билан қиз атрофдагиларга бепарво, гўёки нимқоронги, кимсасиз жойда тургандай бир-бирларига ёпишиб олишганди. Йигитнинг қўли қизнинг белида, қиз бошини унинг елкасига қўйиб олган, оғзида сақич. Шими шу даражада торки, каттароқ қадам ташласа йиртилиб кетадигандай...

Ё, алҳазар, дея йўлимда давом этдим. Оёқларимдаги оғрикни енгиб секин-секин қадам босиб борар эканман, орқамдан қизларнинг чинни пиёла жарангидай ёқими кулгиси эшитилди. Кўнглимга илиқлик югурди. Ишқилиб, сиз ёшларнинг бахтингизга юртимиз тинч бўлсин. Динимиз, ўзлгимиз ўзимизга қайтган, шарқона маданиятимизни асраб-авайлаш, тўлдирish мумкин бўлган замонда яшаш сизларга насиб этганига шукр, деган фикр ўтди хаёлимдан. Кўп ўтмай қизи тушмагурлар олдимга ўтиб олишди. Уларга назар ташладиму кийимларини кўриб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Тўғриси уялиб кетдим. Уларнинг биттасида сурнайпача шим, иккинчисида қалта юбка.

## Ўғлинг орли, қизинг ҳаёли бўлсин

Ўзи шундоқ ҳам бир қаричдан сал ошиқ юбка кургурни қирқиб ҳам қўйишибди. Орқаларидан кетар эканман, невараларим Муниса билан Шухратнинг ўтган кунги можаролари эсимга тушди.

— Еч бу кийимингни, — дер эди Шухрат синглисига, — буйимни хурматлари йўқми, шим кийиб олибсан.

— Ака, ахир, ҳамма қизлар кийяпти бундай кийимни.

— Ўзини, ота-онани хурмат қилган қиз шим киймайди. Агар бизни яхши кўрсанг, бор алмаштириб чиқ. Мен ўртоқларимдан уялман, ор қўламан бу кийимингдан.

Муниса индамай кириб кетиб, ўзига ярашиб турадиган қўлагини кийиб чиқди.

Азиз тенгдошлар, дугонажонлар! Кийим одамнинг ички маданиятини, ўзгаларга бўлган ҳурмат-эътиборини белгилайди, шундай эмасми? Агар ўғилларимизни орли, гурурли қилиб тарбияламасақ, у оиласидаги аёлларга бепарқ, лоқайд бўлиб ўсади. Уларни ёт қўзлардан ҳимоя қила олмайди. Бундай оиладан қутбарак кўтарилари, имон сусади.

Қизларимиз бизнинг бебаҳо гавҳарларимиз. Бўлажак оила бекалари. Улар ҳаёли, ибодли бўлишса, катталарни хурмат, кичикларни иззат қилишса, фарзандлари онига ҳам шунинг сингдиришади. Автобусларда кексаларни кўриб, кўрмасликка оладиган, бобоси тенги қариялар олдида йигити елкасига бош қўйишдан уялмайдиган, кексалар олдини кесиб ўтадиган, европача ярим яланғоч кийиниб, ўзгаларни менсимайдиган қизлардан нима кутishi мумкин?

Азизлар, унутманг, фарзандлар вафотимиздан кейин ҳам бизга савоб йўллаб туриши мумкин бўлган бебаҳо бойлигимиз. Савобнинг миқдори эса Сиз билан бизнинг бугунги тарбиямизга боғлиқ!

Гулбахор **ҲАЙДАРОВА**



SPORT

КАСБ  
БАЙРАМИГА  
БАҒИШЛАНДИ

“Ўзи-Термиз” филиалида алоқа ходимлари кунига бағишланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Ҳамкасблар арқон тортиш, тош кўтариш баҳсларида ўз куч ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Бу борада муҳандис-техник ходимларнинг кўли баланд келди. Спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

СПАРТАКИАДА

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Радио-алоқа, радио-эшиттириш ва телевидение марказида кўплаб спорт тадбирлари ўтказилмоқда.



Яқинда мусобақаларнинг биринчи босқичи якунланди. Спортнинг шахмат, шашка ва стол тенниси турлари бўйича баҳслашган 32 нафар алоқачи орасидан кейинги босқич иштирокчилари сараланди. Улар қуйидагилар:

- Эркаклар ўртасида:
- шахмат бўйича - Икром АБДУЛЛАЕВ, етакчи муҳандис;
  - шашка бўйича - Анатолий МАСЛОВ, етакчи муҳандис;
  - стол тенниси бўйича - Акмал ИКРОМОВ, бош мутаассис.
- Аёллар ўртасида:
- шахмат бўйича - Надежда КОЛЕСНИЧЕНКО, катта электромеханик;
  - шашка бўйича - Наталья СМОТРАКОВА, етакчи ҳисобчи;
  - стол тенниси бўйича - Зилола ЙҮЛДОШЕВА, иш юритувчи.

Мусобақаларнинг иккинчи босқичи июн ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

ЧОРАКФИНАЛ МАСАЛАСИ СЎНГИ  
ТУРГА ҚОЛДИРИЛДИ

Осиё чемпионлар лигасининг «Нефтчи» — «Ал-Нажаф» учрашуви. Ушбу ўйин якунидан сўнг гуруҳдан кейинги босқичга чиқадиган жамоа номи муддатидан аввал аниқланиши мумкин эди.



AFC  
CHAMPIONS  
LEAGUE

Майдон эгалари буни яхши анлаган ҳолда илк дақиқалардан оқибат ҳужумга отланишди. Бироқ бу ҳужумлар голга айланишига ироқлик ҳимоячилар тўсқинлик қилишди. Биринчи бўлимда «Нефтчи» сардори Акмал Холматов бир неча бор жарима тўпини амалга оширди. Ниҳоят, биринчи бўлимнинг охирида кетма-кет амалга оширилаётган стандарт вазиятлар ўз натижасини берди. Холматов 30 метрлик масофадан Роберто Карлос услубида жарима тўпини амалга оширди. Унинг чап оёқда йўллаган зарбаси рақиб дарвозабони Жаббор Хади ўрнатган жонли деворини айланиб ўтиб, дарвозанинг яқин бурчагига бориб тушди.

Иккинчи бўлимда меҳмонлар бироз жонланишди. Ўйиннинг 60-дақиқасига келиб Соҳиб Хотам чап қанотдан «Нефтчи» ҳимоячиларини алдаб ўтиб, тўпини жарима майдони ичига ошириб берди. Тўп тўғри Али Мухаммадга бориб тушди. У тўпини тўхтатмасдан Файратжон Ҳасанов қўриқлаётган дарвозанинг ўнг бурчагига жойлаб қўйди. Шундан сўнг араблар бу ҳисобни ушлаб қолиш учун ўйинни чўзишда «маҳорат»ларини ишга солишди. Бундай ҳаракатлар «Нефтчи» аъзоларининг руҳиятига таъсир қилди, уларнинг ўйини ҳеч қовушмади. Ўйиннинг ас-

сий вақтига ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқалар ўтиб бораётганда Носирбек Отақўзиевнинг бош билан берган зарбаси дарвоза устунига тегиб майдонга қайтди. Қайтган тўпга Тоиров зарба берди. Бу вазиятда эса дарвозабон яхши ҳаракат қилди. Наттижада «Нефтчи» қимматли очколарни йўқотди ва муддатдан аввал чоракфиналга йўл олиш имкониятини қўлдан бой берди.


«Нефтчи» — «Ал-Нажаф» - 1:1 (1:0)  
Голлар: А.Холматов, 43 — Али Мухаммад, 60.

«С» гуруҳидаги яна бир ўйин Қатарнинг Доха шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Қатарнинг амалдаги чемпиони «Ал-Садд» Суриянинг «Ал-Карам» жамоасини қабул қилди. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди.

Гуруҳда ҳамон «Нефтчи» 10 очко билан пешқадам бўлиб турибди. «Ал-Карам» ҳисобида 8 очко бор. Сўнгги турда айнан ушбу икки жамоа кейинги босқич соҳибини аниқлашади. Фарғоналиклар мусобақани давом эттиришлари учун 23 май куни меҳмонда Суриянинг «Ал-Карам» жамоаси билан камда дурангга эришиши талаб этилади.

РЕКОРДЛАРГА БОЙ БАҲС

Ўтган ҳафтада WBC йўналишининг биринчи ўрта вазнидаги чемпиони Оскар Де Ла Хойя ва дунёнинг энг кучли боксчиларидан бири, мағлубият нималигини билмай келаётган Флойд Мейвезер ўртасида супержанг ташкил этилди.



Ушбу баҳсни барча катта қизиқиш билан кутишган эди. Шунга яраша жанг атрофида бир неча рекордлар ҳам қайд этилди. Чипталар сотувга чиқмасиданоқ (!) сотилиб кетди, пуллик трансляцияни 2,2 миллион киши харид қилди (аввалги рекорд Майк Тайсон ва Эвандер Холифилд жангига тегишли эди - 1,99 млн.), умуман ташкилотчилар бу баҳсдан 150 миллион доллар фойда кўрди. Боксчилар ҳам ўз молиявий аҳволларини анча яхшилаб олишди: Де Ла Хойя - 50 млн, Флойд Мейвезер - 20 млн. доллар гонорар олди.

Учрашувга тўхталадиган бўлсак, «Тилла бола» ўз рақибини жанг давомида таъқиб қилди ва кўпроқ зарбалар берди. Бироқ якунда ҳакамлар Мейвезернинг зарбалари аниқроқ бўлганини тасдиқлашди. Бир ҳакам Де Ла Хойя ҳисобига 115-113, икки ҳакам эса Флойд Мейвезер ҳисобига 115-113 ва 116-112 очкосини берди.

Шундай қилиб, Флойд профессионал рингдаги фаолияти давомида бешта вазн тоифасида чемпионликини қўлга киритган тенгсиз боксчига айланди. Боксчининг таъкидлашича, бу жанг унинг рингдаги сўнгги баҳси бўлди. Келгусида Флойд Мейвезер худди Оскар Де Ла Хойя каби ўзининг промоутерлик компаниясини ташкил қилиш ниятида.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети (собик Тошкент электротехника алоқа институти)нинг Радио ва телевидение, автоматик электралоқа ва кўпканалли электралоқа факултетларида 1966-1971 йилларда ўқиган собик талабалар диққатиغا!

Сизларни Тошкент шаҳрида 2007 йил 26-27 май кунлари бўладиган учрашув тadbирига таклиф этамиз. Унда қатнашиш ниятингиз бўлса 2007 йил 20 майга қадар ташкилий кўмитанинг қуйидаги телефонлари-га мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-73-50, 134-11-75, 142-81-89.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси жамоалари Андижон филиалининг собик раҳбари, “Мо-хир алоқачи” фахрий унвони соҳибига Каримжон ҳожи ПҮЛАТОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0  
Реклама матнларининг тўғрили-гига таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет ма-териалларидан ҳам фойдаланилди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

453-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алади: 9533 нуқса.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БҲҲРИЕВ.  
Матн терувчи: Диффуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкорлими:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.



● "KABUTARDAN — SAMOVIY ALOQAGACHA!" TANLOVIGA



Почта тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Одамзод тилга кириб гап-ра бошлагач, унда фикр, ахборот алмашишга эҳтиёж туғилган. Бу эҳтиёж тобора кенгайиб инсоннинг нафақат атрофидагилари, балки узоқдагилар билан ҳам мулоқотда бўлиш заруратини юзага келтирган.

Ўз-ўзидан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси бу яхши транспорт йўллари дегани. Бундай йўллар қадимги Римда, Мисрда бўлган.

Алоқа тўғрисида бизгача сақланиб қолган ривоятларга кўра, форс подшоҳи Доро скифлардан биринчи бор хат олгани айтилади. Саватга солинган – куш, сичқон, бақа ва бир тутам камон ўқидан иборат бу «хат»ни шундай талқин қилиш мумкин бўлган. Унда скифлар «Сичқондек ерга яширишиб, бақадек сувга сакраб, кушдек ватанингга учиб кетмасанг, бошингга камон ўқи ёғдирамиз», — дейишмоқчи бўлишган. Хатни тушунмаган Доро эса мағлубиятга учраб ватанига қайтади. Лекин масофада фикр алмашиш ёзув белгилари — ҳарфлар кашф этилганидан сўнггина алоқа ҳақиқий ривожлана бошлаган. Илк почта алоқаси тизими Римда шаклланди. Почта сўзи латин тилидаги «мансио позита», яъни отларни манзилларга (қароргоҳларга) жойлаштириш, деган тушунчадан олинган бўлиши эҳтимоли бор. Римда алоқа тизимининг асоси чопарлардан ташкил топган эди. Шунингдек, енгил икки гил-

# Доро учун саватчада "хат"



диракли ва оғир тўрт гилдиракли аравлардан ҳам фойдаланилган. Чопарлар, пиёда ва отлик бўлишган. Пиёда чопарлар яқин масофаларга, отлик чопарлар эса узоқ масофаларга хизмат қилишган. Чопарлар йўлда «масино» (қароргоҳ)ларда дам олиши, тунаб қолиши, отларни алмаштириши мумкин бўлган. Улар фақат император ва бадавлат оқсуякларга хизмат қилган.

Қадимги Хитойда эса бизнинг асри-мизгача пиёда ва отлик чопарлардан иборат почта алоқаси хизмати бўлганлигига тарихий ҳужжатлар далил бўла олади. Эрамизнинг VII юз йиллигида Хитой императори кўли остида юзлаб куруқликда ва сув йўлларида жойлашган бекатларни қамраган тизим бошлиғи генерал-постмейстерни тайинлашган.

Почта алоқасининг ҳақиқий омма учун ривожланиши маданий марказлар юзага келиши, олий ўқув юртлири очилиши билан боғлиқдир. Франция, Испания,

Италия давлатларида ўрта асрларда университетлар очилади ва уларда бадавлат оила фарзандлари таълим ола бошлайдилар. Талабалар университет чопарларининг пулли хизматидан фойдаланадилар ва оилалари билан алоқа боғлаб турадилар.

Ўрта асрларда почта алоқаси ривожланишига савдогар ва қосиблар ҳам катта ҳисса қўшишган. Булар орасида шимолий Германия шаҳарларида катта нуфузга эга бўлган Ганза савдо ва сийсий иттифоқи алоҳида ўрин тутган. XIV-XVII асрларда бу иттифоқ савдо-сотикни монополия қилиб олган.

Почта хизмати тарихида жанубий Германиядаги XVII асргача фаолият кўрсатган қассоблар цехи ҳам сезиларли из қолдирган. Гушт маҳсулотларига эҳтиёж катта бўлгани учун қассоблар арзон нархда қора мол сотиб олиш мақсадида чопарлар қадами етмаган узоқ жойларга боришган. Улар турли йўналишлар бўй-

ча мунтазам ҳаракат қилишган. Шу сабаб, яхшигина ҳақ эвазига хат ҳам ташишган.

Хатларни ташиш мўмай даромад келтиришини тушунган Англия қиролик кенгаши 1558 йили почтани давлат постмейстерига бўйсундирди. Орадан юз йил ўтиб, биринчи почта қоидалари ҳам ишлаб чиқилди. Қоидага кўра, ёзма хабарларни фақат давлат почтаси чопарлари ташиш ҳуқуқига эга бўлишди.

1660 йили Европада биринчи почта штемпели пайдо бўлган. У ҳозирги штемпеллар сингари доира шаклида бўлиб, юқори қисмида ой, пастки қисмида сана кўрсатилган.


Йилномаларда кўрсатилганидек, қадимги Русда 984 йили аҳолига алоҳида мажбурият юклатилган. Катта йул бўйларида яшаган княз чопарларини улов, овқат, ётоқ билан таъминлаши ва йул, кўприкларни сўз ҳолатда тутишлари шарт қилиб қўйилган.

XIII асрда бу мажбурият ўрнига бекатлараро қатнов ташкил этилди. Бунинг афзаллиги шундаки, чопар хар бекатда янги улов олиб йўлида давом этган. Бу эса хат-хабарни етказиш муддатини анча қисқартирган. 1665 йили Москва давлати ҳокимияти ва голландиялик Ван Сведен ўртасида чет давлатлар билан мунтазам почта алоқасини ўрнатиш тўғрисидаги шартнома тузилади. У пайтлардаги чопарлар ҳаёти доимо хавф-хатар остида бўлган. Улар ёввойи ҳайвонлар, табиий офатлар ёки душман қурбони бўлиши ҳеч гап эмас эди.

Полша билан тузилган Андрус вақтинчалик сулҳида Вилно қароргоҳи ва Москва ўртасида мунтазам алоқа ташкил этилиши алоҳида таъкидланган. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, шартномада бундай мунтазам хат-хабарлар алмасув жойи илк марта почта деб аталган.

1874 йили Парижда кўллаб давлатлар вакилларида иборат Бутунжаҳон почта Конгрессида Бутунжаҳон почта иттифоқи ташкил этилиб, Бутунжаҳон почта конвенцияси тузилди. Халқаро хат-хабарларни етказишда умумий қоидалар қабул қилинди.

Ҳафиза САЛЯХОВА



## Шаҳар янада яқин!

# \$0,03/дақ.

шаҳар ва уяли телефон рақамлари учун

### «Шаҳар» тариф режаси

«Шаҳар» янги тариф режаси уяли телефон орқали асосан шаҳар телефон рақамларига кўнғироқ қиладиган абонентлар учун мўлжалланган. Барча уяли ва шаҳар кўнғироқлари Ўзбекистон бўйлаб ягона нарх - бир дақиқа учун 3 цент нархида баҳоланади. Мазкур тариф режасида барча сўзлашувлар тўлиқ дақиқага ахлитланади.

Абонент тўлови кунига 6 центни ташкил қилади.

Ўзбекистондаги «Билайн»нинг бошқа тариф режаларидаги каби, абонентлар ўз балансларидаги маблағни ноль қолгунча ишлатишлари ва бунда тармоқ ичидаги кўнғироқларни ҳамда қисқа хабарларни (СМС) қабул қилишлари мумкин.

Ушбу тариф режасига, келгуси сўзлашувлар учун хисобга 5 доллар тўлаган ҳолда, ўзингизга қулай бўлган «Билайн» офисларидан бирида уламинишгиз мумкин.

Тариф режангизни «Шаҳар» тариф режасига ўзгартириш учун телефонингиздан \*110\*504# ни теринг ва қақурув тугмасини босинг.

